

Раҳбарлар ва ёшлар учрашуви бўлиб ўтди

// 11.06.2026


<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/20260611-1>

11 июнь куні Бўстонлиқ туманидаги Ҳеавенъс Гарден конференциялар залида «**Кимё саноати ёш мутахассислари**» форуми доирасида раҳбарлар ва ёшлар учрашуви ташкил этилди.





Учрашувда «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси маслаҳатчилари Санобар Абдурахманова ҳамда Мухаммадбобур Абдуразаков, Навоиязот АЖ бошқарув раиси Фаррух Самадов, Махам-Чирчиқ АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари — ишлаб чиқариш бўйича директор Рихсибай Узаков, «Аммофос-Махам» АЖ бошқарув раиси ўринбосари Бехзод Гафуров ҳамда тармоқ корхоналаридан ташриф буюрган ёшлар ва талабалар иштирок этди.



Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий ривожланиши, инновацион ғояларини рўйбга чиқариш ва кимё саноатининг истиқболдаги ривожланишида ёш мутахассисларнинг ўрни ҳақида фикр алмашилди.



Учрашувда Тошкент кимё-технология институти талабалари ҳам фаол иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар ҳамда қимматли тавсияларга эга бўлдилар.